

КЕНГ КЎЛАМЛИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР, ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ВА ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛАЁТГАН КАТТА НАТИЖАЛАР ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 апрель куни Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси очилишида нутқ сўзлади.



Анжуманда 140 га яқин давлатдан 2 мингдан зиёд делегатлар қатнашмоқда. Ўз сафида 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган Иттифоқнинг Ассамблеяси илк марта Марказий Осиё минтақасида бўлиб ўтмоқда.

Сўзининг аввалида Ўзбекистон Президенти сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақаларида тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиалар, иқтисодий инқирозлар, “савдо урушлари”, терроризм ва экстремизм таҳдидлари тобора кучайиб бораётганини қайд этди.

— Бундай ўта мураккаб шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини оширишни замоннинг ўзи талаб этмоқда, — деди Президент. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташаб-



буси билан бу галги Ассамблея “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзусида ўтказилмоқда. Таҳлилларга кўра, сўнгги ўттиз йилда жаҳон ялли ички маҳсулоти ҳажми 4,5 баробарга ортган. Лекин инсониятнинг

камбағал қатламлари даромадлари деярли ўзгармаган. Агар бу тенденция сақланиб қолса, 2030 йилга бориб дунё аҳолисининг 575 миллион нафари қашшоқликда умр кечиради. 84 миллион бола эса таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Ушбу йўналишда давлатларнинг вакиллик органлари ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш умумий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиши қайд этилди.

► Давоми 3-бетда

ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 апрель куни Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси доирасида бир қатор парламентлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашув ўтказди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Россия делегациясига раҳбарлик қилаётган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди. Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Валентина Матвиенкони таваллуд куни

билан самимий табриклаб, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар тилади. Федерация Кенгаши Раиси Ўзбекистон етакчисига самимий миннатдорлик билдириб, Россия Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Парламентлараро алоқалар самарали бўлаётгани юксак баҳоланди.



Олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан парламент назорати бўйича фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Савдо-иқтисодий шериклик суръатини таъминлаш, саноат кооперацияси лойиҳалари ва гуманитар алмашинув

дастурларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. **Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Соҳиба Гафарова учрашув аввалида Ўзбекистон етакчисига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.**

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустақкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-АССАМБЛЕЯСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Тулия Эксон Хоним олиялари! Хурматли Мартин Чунгонг Жаноби олийлари! Хурматли парламентлар раҳбарлари ва аъзолари! Хонимлар ва жаноблар! Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеясида иштирок этиш учун дунёнинг барча қитъаларидан келган нуфузли делегацияларни Ўзбекистон заминида самимий қутлашдан гоят хурсандман. Ўз сафида 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган Иттифоқнинг Ассамблеяси илк марта Марказий Осиё минтақасида бўлиб ўтмоқда. Анжуманнинг азим пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида ўтказилаётгани бизга улкан ифтихор бағишлайди.

Бундай юксак ишонч ва эҳтиромни биз юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар, парламентаризм ва вакиллик ҳокимиятини ривожлантириш борасида эришилаётган катта натижаларнинг эътирофи, деб қабул қиламиз. Мен ҳам 15 йил давомида парламент аъзоси бўлганман. Дунёни тинч-осойишта, жамиятларни янада фаровон қилишга қаратилган олижаноб фаолиятингиз нақадар масъулиятли эканини яхши биламан ва тушунаман. Сизлар — бамисоли халқларни бир-бирига боғловчи мустақкам дўстлик кўпригисиз. Сизлар — одамларнинг дарду ташвиши ва муаммоларини энг қуёй тизимдан бошлаб, керак бўлса, минтақавий ва халқаро

миқёсга олиб чиқишга, уларга самарали ечим топишга қодир бўлган қудратли кучсизлар. Албатта, сизлар ўз халқларингизнинг хоҳиш-иродасини намоён этиб, миллий тараққиёт моделларини ишлаб чиқишда, замонавий хавф-хатарларга муносиб жавоб беришда катта роль ўйнамоқдасиз. Фурсатдан фойдаланиб, Парламентлараро Иттифоқ раҳбариятига, ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг қонунчилик органлари ҳамда халқаро парламент уюшмалари вакилларига чин дилдан самимий ташаккур изҳор этаман.

► Давоми 2-бетда

ВЬЕТНАМ БИЛАН АМАЛИЙ ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 апрель куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Вьетнам Миллий мажлиси Раиси Чан Тхъань Ман бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Сухбат аввалида делегация раҳбари Ўзбекистон етакчисига Вьетнам Коммунистик партияси Бош қотиби То Лам, Президенти Луонг Куонг ва Бош вазири Фам Минь Тиннинг саломини етказди. Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларида янада ривожлантириш масалалари батафсил кўриб чиқилди. Ҳукуматлараро ва идоралараро мулоқотларга тизимли тус бериш зарурлиги қайд этилди. Жорий йилда Ханой шаҳрида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форумини самарали ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Янги лойиҳаларни илгари суриш учун энергетика, геология, нефть-кимё, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда саноат кооперацияси бўйича комплекс дастур тайёрлашга келишиб олинди. Маданият ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни, шу жумладан, визасиз тартибни жорий қилиш орқали ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Қўшма ташаббусларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида парламентлараро мулоқотни фаоллаштиришга аҳдлашиб олинди.

$\check{y}_3A$

КЕНГ КўЛАМЛИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР, ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ВА ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛАЁТГАН КАТТА НАТИЖАЛАР ЭЪТИРОФИ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида парламент институтини ривожлантириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Кейинги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини оширишга қаратилган 20 дан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага етказилди. Президентнинг қатор ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятга ўтказилди.

Миллий парламентимизда хотин-қизларнинг улуши бугунги кунда 38 фоизга етди. 2021 йилда Олий Мажлис палаталари қошида илк бор ёшлар парламентлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон парламент йўналишида глобал аҳамиятга молик бўлган қатор халқаро ташаббусларни илгари суриб келмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон вакиллари Осиё Парламентлари Ассамблеяси, Марказий Осиё

парламентлари форуми, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлар Ассамблеяси ва бошқа платформаларда фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари парламентлараро ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолаб глобал ва минтақавий тинчлик ҳамда хавфсизликка жиддий таҳдид солаётгани таъкидланди. Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат дипломатия ва тинч музокаралар йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори экани қайд этилди.

Бундай масалаларда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва резолюциялари асосида ечим топиш муҳим.

Шу маънода, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотини универсал ва муқобили йўқ ягона глобал тузилма сифатида эътироф этади.

Ўзбекистон етакчиси иқлим ўзгаришлари доимо диққат марказида бўлиши кераклигини таъкидлади. Париж битими доирасида ва углерод нейтраллигига эришиш борасида олинган мажбуриятлар

тўлиқ бажарилиши муҳимлиги қайд этилди.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш ижтимоий тараққиётнинг асосий шартларидан биридир. Дунё миқёсида аёл депутатларнинг улуши 1995 йилдаги 11,3 фоиздан жорий йилга келиб 27,2 фоизга кўтарилган.

Сўнгги йилларда юртимизда БМТ институтлари ва Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда Осиё хотин-қизлар форуми ва Жаҳон парламентлари аёл раҳбарлари саммити самарали ўтказилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилаган БМТ Бош Ассамблеясининг “Осиё хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фооллигини ошириш тўғрисида”ги резолюцияси қўллаб-қувватланишига умид билдирилди.

Ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўлақонли иштирок этиши учун уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ўта долзарб масаладир. Шу боис, миллий парламентлар ҳамда Иттифоқ фаолиятига ёшларни фаол жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Парламентлараро Иттифоқ тизими доирасида Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил этиш ва унинг таъсис

форумини Ўзбекистонда ўтказиш таклиф қилинди.

Ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро стандарт ва меъёрлар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш ҳам устувор масала экани қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти анжуман иштирокчиларини шу йил сентябрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган камбағалликни қисқартиришга бағишланган халқаро конференция ишида фаол иштирок этиш учун таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтиришни бугунги замоннинг ўзи талаб этаётганини таъкидлади. Сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси бўйича намунавий қонун ишлаб чиқилса, ушбу инновацион ҳуқуқий асос мазкур соҳани самарали тартибга солишда барча давлатлар учун ўзига хос намуна бўлади.

Билдирилган барча таклиф ва ташаббуслар Парламентлараро Иттифоқнинг Стратегияси мақсадларига тўла мос экани қайд этилди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти юбилей Ассамблея ишига ҳамда иштирокчиларига катта ютуқ ва муваффақиятлар тилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ, КўП ТОМОНЛАМА ЁНДАШУВЛАР ТАРАФДОРИ СИФАТИДАГИ ҲАРАКАТЛАРИ ЮКСАК БАҲОЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 5-9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеясидаги нутқи халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети Ижтимоий тадқиқотлар институти профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперт (Испания):



— Ўзбекистон Президентининг Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси очилишидаги нутқи билан танишдим.

Ўзбекистоннинг кейинги йилларда эришган кенг кўламли ютуқлари менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Қисқа вақт ичида мамлакатда парламент ролини кучайтиришга қаратилган 20 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Бу демократлаштириш ва барқарор ривожланиш йўлидаги ҳақиқий қадамдир.

Этиборлиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага оширилди. Парламент институционал салоҳиятининг бундай сезиларли даражада кенгаётгани юксак эътирофга сазовордир.

Ўзбекистон парламентида аёлларнинг улуши 38 фоизга етганини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Мазкур рақамлар жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан юқоридир. Бу гендер тенглитини таъминлаш борасидаги сиёсий ироданинг ёрқин далилидир.

Ёшлар парламентларининг глобал платформасини яратиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи жуда муҳим. Айниқса, 2021 йилдан бошлаб мамлакатда ёшлар парламенти муваффақиятли фаолият юритаётгани ёшларнинг қонун ижодкорлигида иштирок этиши учун реал имкониятлар очаётгани ҳам раъсий маънога эга.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ҳиссасини ҳам таъкидламоқчиман. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларнинг роли” резолюциясининг бир овоздан қабул қилингани фаол позициянинг яна бир тасдиғидир. Замонавий дунё турли қаҳирувлар, жумладан, камбағаллик, иқлим ўзгариши, сунъий интеллект каби катта муаммоларга дуч келмоқда. Мен Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси бўйича қонунчилик базасини яратиш заруриги ҳақидаги таклифни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Умуман олганда, Ўзбекистон дадил ва изчил олға бориш борасида намуна кўрсатмоқда. Ушбу тажриба ўрганиш ва эътирофга лойиқдир.

Го СЯОЦЮН, Хитой ижтимоий фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти профессори:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеясидаги нутқи кенг қамровли бўлиб,

бериши жаҳондаги беқарорлик ва ноаниқлик шароитида айниқса долзарб. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлиқнинг фаол иштирокчиси, кўп томонлама ёндашувлар тарафдори сифатидаги ҳаракатлари юксак эътирофга сазовор.

Ўзбекистоннинг парламентаризмни ривожлантириш, аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш ва ёшларни сиёсатга жалб этиш борасидаги ютуқлари менда катта қизиқиш уйғотди. 2023 йилда янгиланган таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши ва парламент ваколатларининг кенгайтирилиши мамлакатнинг демократик ислохотлар ва вакиллик ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилишидан далолат беради. Парламентда хотин-қизлар улуши юқорилиги ва ёшлар парламентларининг ташкил этилиши гендер тенглиги ва ёшларни сиёсий жараёнга жалб этиш борасида эришилган ютуқларни яққол ифодалайди.

Ўзбекистон етакчисининг камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифи барқарор ривожланишга эришиш шароитида муҳим амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатларимиз бу борада фаол тажриба алмашмоқда. Ўзбекистон эришаётган муваффақиятлардан чин дилдан мамнунмиз. Биз яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёремиз.

Илҳом ШАБАНОВ, “Caspian Barrel” нефть тадқиқоти маркази директори (Озарбайжон):

— Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё минтақаларидаги транспорт-логистика жараёнлари бўйича мутахассис сифатида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг глобал ва минтақалараро ташаббуслари мени, айниқса, қизиқтиради. Шу боис, Ўзбекистон Президентининг Тошкентда бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеясидаги нутқини катта эътибор билан кузатдим.

Бугун бутун дунё парламент дипломатиясининг халқаро муносабатлар тизимидаги юксак ўрин ва қатор глобал муаммоларни ҳал этишга қўшган ҳиссасига ғувоҳ бўлмоқда. Бу галги Ассамблеянинг “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзуси ҳам жуда долзарб. Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур анжуманнинг очилишидаги нутқи чуқур раъсий маънога эга. Чунки у қуролли можаролар, экологик офатлар ва иқтисодий инқирозлар каби долзарб глобал муаммоларни ҳал этишда парламентлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, давлатингиз раҳбарининг нутқи икки йил аввал Ўзбекистонда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеясини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси ҳар жиҳатдан амалга оширилганидан далолат беради. Дунёнинг 181 мамлакатли парламентларини ўз ичига олган ушбу нуфузли уюшма ўзининг олий органи — Ассамблея мажлисларини фақат парламентаризм ва барқарор ривожланиш борасида ижобий тажрибига эга мамлакатларда ўтказди. Ушбу жиҳатни инобатга оладиган бўлса, мазкур Ассамблеянинг Ўзбекистонда илк бор ўтказилиши жаҳон ҳамжамияти томонидан демократик ислохотлар ва мамлакатингиз етакчиси раҳнаомлигида парламентаризмни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг эътироф этилганини тасдиқлади.

Глобал экологик ва озиқ-овқат муаммолари билан яқиндан таниш бўлган мутахассис сифатида, айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан айтилган рақамлар мени хайратда қолдирди. Жумладан, сўнгги 30 йил ичида жаҳон яли ички маҳсулоти ҳажми 4,5 баробар ошди. Бироқ, афсуски, камбағалларнинг даромадлари деярли ўзгаришсиз қолди. Агар бу тенденция давом этса, 2030 йилга бориб дунёда 575 миллион киши камбағалликда яшайди ва 84 миллион бола таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Шу боис, Ўзбекистон Президентининг мазкур ҳолат иқтисодиёт ва жамиятга катта зарар етказяётгани, ижтимоий-иқтисодий институтлар фаолиятини заифлаштираётгани, пировардида одамларнинг имкониятлари чекланаётгани ҳақидаги фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Шунингдек, Ўзбекистон етакчисининг бундай тенгсизликнинг асл сабабларини аниқлаш ва унинг оқибатларига қарши курашиш зарурлиги ҳақидаги қаҳриғи ҳам ўз вақтида янгради. Шубҳасиз, бу ҳар бир инсоннинг устувор вазифаси бўлиши керак.

“Дунё” АА

Сўз – халқаро анжуман иштирокчиларига

ДЎСТЛИК ҲАМДА ЎЗАРО ИШОНЧ РУҲИ ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁДА ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА АСОС БЎЛАЖАК

Пойтахтимизда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси бўлиб ўтмоқда. “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзусига бағишланган анжуманда 140 га яқин давлатдан 2 мингдан зиёд делегат иштирок этаётгани унинг аҳамияти ва ўзига хос нуфузидан далолат беради. Халқаро анжуманда хорижлик делегатлар билан бир қаторда мамлакатимиз парламенти, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, олим ва экспертлар ҳам қатнашмоқда. Уларнинг мазкур тадбирга оид фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

ЁШЛАРГА ДОИР МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Сайёра АБДИКАРИМОВА, Олий Мажлис Сенати кўмита раиси ўринбосари:



— Олий Мажлис фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган парламентлараро ҳамкорлик алоқалари янги таҳрирдаги Конституция ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга ҳаётанг равишда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Олий Мажлиснинг халқаро алоқалар географияси тобора кенгаймоқда. Жаҳон миқёсида Ўзбекистон миллий манфаатларини ифода этиш, хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро парламентлараро ташкилотлар билан ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Халқаро майдонда мамлакатимизнинг ташаббусларини илгари суриш борасида улкан ютуқларга эришилмоқда.

Юртимиз тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо

этиб сайланди. Ўзбекистон БМТ олий минбаридан илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббуслар дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинмоқда. Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси мамлакатимизда ўтказилиши бунинг яна бир исботидир.

Тадбирда давлатимиз раҳбари парламентлараро ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларини ҳам кўрсатиб ўтди. Жумладан, жаҳонда юз бераётган бугунги глобал ўзгаришлар Парламентлараро Иттифоқ ва миллий

парламентларимиз олдиға янгидан янги вазифалар қўяётгани қайд этилди. Бу борада ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўлақонли иштирок этиши учун уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ўта долзарб масала сифатида илгари сурилиб, Парламентлараро Иттифоқ тизими доирасида Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил этиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказиш таклиф қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН — ДЕМОКРАТИК БОШҚАРУВ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ИЛГАРИЛАЁТГАН МАМЛАКАТ

Бобур БЕКМУРОДОВ, “Юксалиш” ҳаракати раиси:



— Президентимиз мазкур халқаро анжумандаги нутқида қайд этганидек, халқаро аҳамиятга эга бундай нуфузли тадбирнинг айнан юртимизда ўтказилаётгани ўзига хос раъсий маънога эга. Бу Ўзбекистоннинг демократик бошқарув йўлидан ишонч билан илгариланган, халқчил парламент тизими ва фуқаролик жамиятининг изчил тараққий этиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, бу тадбир мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганининг яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, юртимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик давлат барпо этиш йўлида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Натияжада турли соҳаларда катта ўзгаришлар рўй

бермоқда. Масалан, биргина транспорт соҳасини олайлик. 2017 йилда бу йўналишда битта резидент авиакомпания бор эди, бугун уларнинг сони 16 та. Автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш ҳажми 2017 йилда 6 минг километр бўлган бўлса, бугун 21,3 минг километрни ташкил қилмоқда.

Республика ҳудудидан ўтган транзит юк ташиш ҳажми 2017 йилдаги нисбатан 1,6 баробар ошиб, 2024 йилда 13,7 миллион тоннага етди. Логистика самардорлиги индекси халқаро рейтингда Ўзбекистон 2023 йили 139 та давлат орасида 88-ўринни эгаллади. 2016 йилда ушбу рейтингда мамлакатимиз 118-ўринда қайд этилганди.

Юртимиздаги очкилик, кучли инвестиция сиёсати натижасида иқтисодиётимиз ҳам барқарор ўсмоқда. Хусусан, 2024 йилда яли ички маҳсулот ҳажми 6,5 фоиз ошиб, 115 миллиард долларга етди. Хорижий инвестиция 1,6 баробар ўсиб, қарийб 35 миллиард долларни ташкил қилди. Ўтган йилнинг ўзида қиймати 10 миллиард долларлик 240 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳа ишга тушди.

Кейинги етти йилда қиритилган 120 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 6 мингдан ортиқ корхона ишга тушган. Жами инвестициялар ҳажми 200 миллиард долларга яқин. Энг муҳим кўрсаткич — ЯИМдаги инвестициялар ҳажми 30 фоизни ташкил қилмоқда. Табиийки, ушбу натижалар халқимиз фаровонлигини оширишга замин яратмоқда. Бу ўзгаришлар бардамлов бўлиши нафақат минтақалар, балки бутун дунёда барқарорликка замин бўлажак.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИ — ИЖТимоий РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Раъна ТУРДИБОВА, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари:

— Давлатимиз раҳбари Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеясида бугунги ҳаётимиз ва келажакда дахлдор кўлаб масалалар қаторида хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш ижтимоий тараққиётнинг асосий шартларидан бири эканини алоҳида эътироф этди. Шуниси қувонарлики, хотин-қизларнинг Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш давлатимиз ижтимоий ҳимоя сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз ва Меҳнат кодексининг қабул қилингани ушбу йўналишда қатор муаммоларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Бу эса Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индекси ҳисоботида Ўзбекистон кўрсаткичи 11,9 баллга юқорилашида ўз самарасини берди. Бутун мамлакатимиз мазкур индекса



хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича муҳим ислохотларни амалга оширган 5 та давлат қаторига киритилди.

Албатта, бундай муҳим натижаларга осонликча эришилаётгани йўқ. Бу охириги йилларда инсон манфаатини кўлаб амалга оширилаётган қатъий ва изчил ислохотларнинг ўзига хос маҳсулидир. Жумладан,

сўнгги беш йилда 1 миллион хотин-қиз янги ташкил этилган ва бўш иш ўринлариغا ишга жойлаштирилди. Ишсиз аҳоли, шу жумладан, хотин-қизларни замонавий касб ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишнинг янгича тизими йўлга қўйилди.

Умуман олганда, айни йўналишдаги ислохотлар натижасида иш билан банд хотин-қизлар сони 2021 йилдагига нисбатан 5,5 миллиондан 6,1 миллионга ошган бўлса, ишсизлик даражаси 13,3 фоиздан 7,4 фоизга камайди.

Жорий йилда ҳам хотин-қизлар бандлиги ва даромадларини ошириш борасида улкан марраларни кўзлагамиз. Хусусан, 2025 йилда 2 миллион хотин-қизни даромадли меҳнат

Ўз сафида 190 га яқин мамлакат парламентини бирлаштирган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси илк марта Марказий Осиё минтақаси — Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётгани мамлакатимиздаги кенг кўламли демократик ислохотларга билдирилган юксак ишонч, муносиб баҳо ҳисобланади. Шу билан бирга, парламентаризм ва вакиллик ҳокимиятини ривожлантириш борасида эришилаётган салмоқли натижалар эътирофи ҳамдир.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.



Муносабат

Жорий йил 4 апрель куни Самарқанд шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтди. Тадбирда Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Европа инвестиция банки раҳбарлари иштирок этди.

Саммитда Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ва амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг

долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: МИНТАҚАЛАРАРО СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Янги Ўзбекистондан Янги Марказий Осиё сари

Президентимиз ушбу саммит олдида “Еuronews”га берган интервьюсида таъкидлаганидек, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” формати — ноёб ҳамкорлик платформаси бўлиб, ўлчам ва институционал қамров жиҳатидан унга ўхшаши мавжуд эмас. Ушбу формат 27 давлатни, жумладан, “Катта еттилик”ка аъзо учта мамлакат — Германия, Франция ва Италияни бирлаштирган Европа Иттифоқи Марказий Осиё билан минтақаларо даражада тизимли ҳамкорлиқни йўлга қўйган энг йирик интеграциявий тузилма ҳисобланади.

Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик иқтисодий ва инвестициядан тортиб, барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва рақамли трансформациягача бўлган соҳаларнинг кенг мажмуасини қамраб олади. Янада эътиборлиси, мазкур формат узоқ муддатли стратегик устувор йўналишларга асосланган.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало, давлатимиз раҳбари интервью берган — “Еuronews” ҳақида мухтасар тўхталиш лозим деб ўйлаймиз. Европанинг кеча-қундуз узлуқсиз ахборот узатадиган ушбу машхур телеканалига 1993 йил январда асос солинган.

Бугун “Еuronews” дунёда юз бераётган муҳим воқеалар ҳақида 13 тилда тезкор хабарлар, видеолавлар ва аудиошарҳлар тақдим этиб келмоқда. Унинг ахборот тарқатиш доираси Европа, Африка, Осиё, Австралия, Шимолий ва Жанубий Америка, шунингдек, Яқин Шарқ минтақаларидаги 150 мамлакатни қамраб олган.

Энди “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити мавзусига қайтсак, Самарқандда бўлиб ўтган мазкур саммит Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи минтақалари ҳамкорлик муносабатлари ривожланиш бўрилиш нуқтаси бўлди, дея эътироф этилаётгани бежиз эмас. Бу юксак



Акmal САИДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

жиҳатдан янги форматини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда”.

Иккинчи омил. Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар икки томонлама ҳамкорликдан — минтақавий стратегик ҳамкорликка томон кенгаймоқда. Гап шундаки, айни вақтга қадар минтақаларимиз ва шу минтақалардаги давлатлар ўртасида икки томонлама алоқалар ривожлантириб келинаётган эди. Мана энди Марказий Осиё билан Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик робитаси, кўприги тикланди.

Бу улкан тарихий воқеа аслида ҳам Марказий Осиё минтақаси халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти мақомида ўзини намоён этишга дадил киришганини исботлайди. Бинобарин, XXI асрнинг учинчи ўн

кун тартибини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди.

Бу ҳақда БМТ Бош котиби билдирган фикрлар ҳам тахсинга лойиқ. Антониу Гутерришнинг фикрича, бир пайтлар Марказий Осиёда тарқоқлик кенг илдири отган эди. Бугун эса минтақада янги муҳит яратилди. Бу, албатта, дўстлик, ҳурмат ва масалаларни ҳамжиҳатликда кўриб чиқиш, мавжуд қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтишга асосланган муҳит бўлди.

БМТ Бош котиби эътироф этганидек, “Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевни фаолияти давомида минтақадаги кўприк ўрнатувчи ташаббускор, тинчлик элчиси, десам, муболаға бўлмайди. Айни вақтда адолатга асосланган фаровонлиқни ташкил қилиш ва уни ўрнатиш бўйича жуда фаол иш олиб бормоқда. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла уйғун”.

Саммит арафасида Президентимиз ушбу нуфузли анжуманининг юқори мартабали меҳмонлари билан юзма-юз суҳбатлашди. Хусусан, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен давлатимиз раҳбари билан учрашув чоғида янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар дастури, шунингдек, Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ишонч ва шерикликни мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатни юксак баҳолади ва қатъий қўллаб-қувватлашни билдирди.

Марказий Осиё — Европа Иттифоқи: икки томонлама ҳамкорликдан минтақавий ҳамкорликка

Минтақа марказида жойлашган мамлакатимиз Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисми Амир Темур салтанати тасарруфидан бўлган. Ўрта асрлардаги Мовароуннахр сарҳадлари билан бугунги Марказий Осиё минтақаси қамрайдиган чегаралар деярли бир хил.

Соҳибқирон салтанати куч-қудратга тўлган даврларда Ўрта ер денгизи ва Қора денгиздан — Қашқаргача, Кавказ ва Волгабўйи даштларидан — Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларигача бўлган кенг маконни қамраган. Амир Темур салтанати, теурийлар давлати таназзулга юз тутганидан, то Марказий Осиёда мустақил давлатчиликнинг қайта шаклланиш даври бошланишига қадар бўлган оралиқ давр қарийб 400 йилни ташкил этди.

Янада содда қилиб айтганда, улуғ Соҳибқирон ўз салтанати билан Осиё ва Европа ўртасида ягона геосиёсий макон яратишга мушарраф бўлган. Мовароуннахрнинг олий ҳукмдоридан ворисларига давлатни қатъий тартиб-қоида ва тузуқлар

асосида жипислаштириш, салтанат атрофидаги улкан геостратегик маконда мустаҳкам интизом ва манфаатдорлик негизида ички сиёсий беқарорликларнинг олдини олиш борасида беқиёс бой назарий-амалий тажриба мерос бўлиб қолди.

Бугунги янги геосиёсий шароитда Марказий Осиё Буюк ипак йўли даврида эгаллаган ўрнини — Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи кўприк ролини, турли иқтисодий манфаатлар чорраҳаси мақомини яна ўзига қайтармоқда. Шундай экан, Ўзбекистон Президенти бугун Амир Темур орзуларини то маънода рўёбга чиқараётгани ҳақ гап.

Бинобарин, XX асрнинг охириги ўн йиллигида ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистонда изчил жорий этилаётган ички ва ташқи сиёсат мазмун-моҳиятида минтақамиз, халқимиз ва миллатимиз тарихини биلىш ҳамда чуқур англаш масаласи жорий демократик ислохотлар, янгиланиш ва ривожланиш стратегиясининг муҳим тамойили ҳамда интеллектуал механизми сифатида ўз тажассумини топган. Халқимизнинг “Оға-нини иноқ бўлса, ҳар



қандай иш юришади” деган доно нақли нечоғлиқ ҳаётий эканини кейинги даврда улкан минтақамизда рўй берган “жараёнларни қайта ишга тушириш” механизми барча учун бирдек манфаатли бўлганини яққол кўрсатиб берди.

Айниқса, дунёдаги ҳеч бир мамлакатда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари асосида янги Ўзбекистонда изчил ва кенг қўламда таъбиқ этилаётгани каби ғоят қамровдор ислохотлар амалга оширилмаган. Ўзбекистон лидерининг яхши қўшничилик сиёсати, таъбир жоиз бўлса, минтақавий сиёсатга доир оқилона доктринаси тўғрисида Марказий Осиё давлатлари илк бор бугун долзарб бўлган минтақавий масалаларни очик ва самимий муҳокама қила бошлади.

Жумладан, биринчи навбатда, минтақамизда давлатларро мулоқот тикланди. Сув, чегара муаммоларига умумий қарашлар асосид янги ёним топилди. АҚШлик асперт Женинфер Бич Муртазашвили қайд этганидек, “Марказий Осиёни борица кўриш вақти келди. Бу энди постсовет ҳудуди эмас. У — Евроосиё”. Аслида, минтақамиздаги муштараклик сиёсати тўғрисида халқаро лугатда “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлгани бундай эътирофлар нақадар асосли эканини тасдиқлаб турибди.

Бу ўринда, аввало, Марказий Осиёда конструктив, яхши қўшничиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларни босқичма-босқич барпо этиш ҳақида сўз бормоқда. Худди шу ёндашув тўғрисида сўнгги йилларда Марказий Осиё тубдан ўзгаргани, янги қиёфа касб этгани — ўзаро ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланигани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз сўзлари билан айтганда, “Минтақа мамлакатлари ўртасида ишонч ва яхши қўшничилик мустаҳкамланмоқда, кенг қўламли ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кенгаймоқда. Бундан етти-саккиз йил аввал бунинг учун ҳатто шароит ҳам йўқ эди. Баъзи мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ёпиқ эди. На савдо, на транзит,

на бизнес, ҳеч қандай гуманитар алмашувлар йўқ эди. Муносабатлар шунчаки музлатиб қўйилганди. Ушанда ҳеч ким яқин келажақда биз Европа етакчилири билан музокараларда минтақамизни биргаликда намоён этишимизни тасаввур ҳам қила олмас эди”.

Бунга қадар минтақамиз мамлакатлари “Марказий Осиё +” форматлари доирасида давлатлар ва иккита минтақавий ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлаш лозим. Натижада охириги етти йилда Марказий Осиё мамлакатларининг Европа Иттифоқи билан савдо айланмаси тўрт баробар ошди, 54 миллиард еврони ташкил этди.

Уз навбатида, Самарқанд саммитида Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида стратегик шерикликнинг йўлга қўйилиши минтақаларо ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқлик ривожига янги йўналишларни очмоқда.

Энди янги Ўзбекистондан — янги Марказий Осиё сари деган тенденция амалда намоён бўлмоқда. Яъни Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари

Учинчи устувор йўналиш — саммит давомида стратегик минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик ва инвестицияларни чуқурлаштириш бўйича қарор қабул қилинади.

Тўртинчи устувор йўналиш — “яшил” энергетика ва экологик барқарорликка йўналтирилган инвестициялар стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Бешинчи устувор йўналиш — инсон капиталига инвестициялар таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги алмашувларни кенгайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидидаги биринчи олий даражадаги расмий учрашув якунлангач, етакчилар биргаликда Орол маданият саммити экспозициясига ташриф буюрди. Қўрғазмада Орол экотизминини тиклаш, ҳудуднинг маданий меросини асраб-авайлаш ва барқарор ривожланишига қўмаклашишга қаратилган ноёб ташаббуслар намоийиш этилди.

Саммитнинг юқори мартабали меҳмонлари шу кунни Марказий Осиё дуч келётган замонавий экологик таҳдидларга бағишланган Самарқанд иқлим форуми ялпи сессиясида ҳам иштирок этди. Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари етакчилари, БМТ номидан қатнашган ишончли ҳамкорларимиз, халқаро молия институтлари, глобал ва миллий экологик ташкилотлар вакилларининг ушбу тадбирда иштироки барқарор ривожланишнинг энг долзарб масалалари бўйича самарали ечимлар излашда биргаликда саъй-ҳаракатлар олиб боришга содиқликнинг ҳаётий намунаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд халқаро иқлим форумида бу муҳим омилига алоҳида эътибор қаратиб, нутқини мана бу сўзлар билан якунлади: “Бугунги кунда бизнинг вазифамиз — келажақ авлодлар барқарор, хавфсиз ва фаровон дунёда яшаш учун барча чора-тадбирларни кўришдан иборат. Бунинг учун мулоқотларни мустаҳкамлаш, умумий эзгу мақсадлар йўлида бирлашган барча давлатларнинг саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш зарур”.

Хулоса қилиб айтганда, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитининг асосий ютуғи, шубҳасиз, тадбир якунида икки минтақа ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатишни назарда тутувчи қўшма декларация қабул қилинганидир.

Қўшма декларацияда, жумладан, тинчлик, хавфсизлик ва демократия, тараққиёт ва фаровонлик, экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодий ривожланиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш, озиқ-овқат ва энергия хавфсизлигини таъминлаш йўлида минтақаларо ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари кўзда тутилган. Марказий Осиё минтақасидаги ҳар қайси мамлакат ўзаро ҳамкорлиқнинг муайян соҳаларида шу вақтгача эришган натижалар ва келгусидаги режалари алоҳида қайд этилган.

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё етакчилари томонидан қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ҳамда химоя қилиш барча учун бирдек муҳим фундаментал қадрият экани тасдиқланган. Бу ўринда, албатта, фикрни ифода этиш эркинлиги ва жамоат бирлашмаларида уюштиш ҳуқуқини таъминлаш, фуқаролик жамияти ва мустақил оммавий ахборот воситалари учун соғлом муҳит яратиш, ҳуқуқ ҳимоячиларини муҳофаза қилиш, аёллар, болалар ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳурмат қилиш — ҳар икки минтақа муносабатларининг туб негизини ташкил этиши ҳақида сўз бормоқда.

Қўшма декларацияда, шунингдек, “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” фуқаролик жамияти форумини ўтказиш ташаббуси маъқулланган. Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитини муваффақиятли ташкил этгани учун Ўзбекистон ҳукуматида миннатдорлик изҳор этилган.

Яна бир муҳим натижа: Ўзбекистон Президенти ишонч билан таъкидлаганидек, “Европанинг етакчи институтлари ва молия ташкилотлари раҳбарлари Марказий Осиёнинг умумий позицияга эга эканига, ишончли ва масъулияти шерик сифатида кенг қўламли ҳамкорликка тайёр эканига амин бўлишди”.

Саммитнинг юқори мартабали меҳмонлари шу кунни Марказий Осиё дуч келадиган замонавий экологик таҳдидларга бағишланган Самарқанд иқлим форуми ялпи сессиясида ҳам иштирок этди. Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари етакчилари, БМТ номидан қатнашган ишончли ҳамкорларимиз, халқаро молия институтлари, глобал ва миллий экологик ташкилотлар вакилларининг ушбу тадбирдаги иштироки барқарор ривожланишнинг энг долзарб масалалари бўйича самарали ечимлар излашда биргаликда саъй-ҳаракатлар олиб боришга содиқликнинг ҳаётий намунаси бўлди.

Баҳонинг моҳиятини, фикримизча, қуйидаги иккита муҳим омил билан изоҳлаш мумкин.

Биринчи омил. Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё минтақалари ўртасидаги алоқалар чуқур тарихий илдизларга эга. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари билан Европа қироллари ўртасидаги неча юз йиллик тарихга эга қимматли дипломатик ёзишмалар шундан далолат беради. Аждодларимиз ўша олис асрлардаёқ минтақаларимиз ўртасида кенг қўламли ҳамкорлик муносабатларини шакллантиришга интилган.

Шу жиҳатдан “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити халқларимиз ва давлатларимизнинг ана шу тарихий орзу-истаклари то маънода рўёбга чиқаётганининг ўзига хос ифодаси бўлди. Бу ўринда саммит айнан Самарқандда — Амир Темур салтанатининг юраги бўлган фусункор шаҳри азияда ўтказилганида ҳам ёрқин рамзий маъно мужассам.

Зеро, ушбу мангу навқирон ва қадимий шахримиз азалдан “Ер юзининг сайқали”, “Мусулмон дунёсининг гавҳари”, “Шарқнинг жаннати” каби турфа номлар билан улуғлаб келинади. Қолаверса, яқин тарихда АҚШнинг собиқ давлат котиби айим шаҳримизни “Самарқанд — жаҳон пойтахти”, дея таърифлагани бежиз эмас.

Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда, “Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлиnmас бўлиб кўринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменининг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорлиқнинг принципал



Давлатимиз раҳбарининг дунё миқёсида илгари сураётган ташаббуслари замирида атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, глобал иқлим ўзгаришларига мослашиш ва жаҳон халқлари билан биргаликда унга қарши курашишда сатй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсади мужассам. 2025 йилнинг юртимизда Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилингани ана шу мақсад йўлидаги муҳим қадамдир.



Абдулла ХУРСАНОВ,
Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори

Бугун Олмалиқ кон-металлургия комбинатидаги чора-тадбирлар, аввало, инсон саломатлиги, табиат софлигини сақлашга ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган. Зеро, саноат ривожланиши иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатса-да, табиатга жиддий зарар етказиши мумкин. Завод ва фабрикаларнинг техноген чиқиндилари, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, ер ресурсларининг камайиши — буларнинг барчаси экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли саноат корхоналари учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини кўриш устувор вазифалардан биридир.

Саноат корхоналари экологик меъёрларга, қолаверса, халқаро ва маҳаллий экологик стандартларга доимий равишда риоя қилиниши лозим. Бу табиатни муҳофаза қилиш билан бирга, корхонанинг барқарор ривожланишига ҳам ёрдам беради. Янги экологик технологиялардан фойдаланиш, энергия тежовчи ва экологик тоза технологияларни қўллаш ишлаб чиқариш жараёнида ресурсларни тежайди ва табиатга зарарини минималлаштиради.

Бугун ҳар бир йирик саноат корхонаси атроф-муҳитга катта таъсир кўрсатиши сабабли ESG барқарор ривожланиш тамойиллари ва мақсадлари стратегия ва асосий бизнес жараёнларининг халқаро интеграция қилиниши ўта муҳим.

Жорий йил февралда Sustainable Fitch рейтинг агентлиги томонидан ESG ташқи аудит ишлари ўтказилиб, Олмалиқ кон-металлургия комбинати фаолиятининг барқарорлиги, ижтимоий масъулияти, асосийси, экологик хатарларни олдиндан баҳолаш ва олдини олишдаги ҳисоботлари Европанинг йирик корхоналари ўртасида юқори рейтингда баҳоланди.



ҲАММАМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ХАЙРЛИ ИШЛАР

ОКМКнинг халқаро ESG рейтинг юқори баҳоланди

Эришилган натижалар комбинатда ишлаб чиқарилаётган қимматбаҳо металлارни ички ва ташқи бозорларда (London Stock Exchange) юқори нархларда сотиш имконини беради. Шунингдек, 2030 йилгача маъданларни қайта ишлашни 40 миллион тоннадан 160 миллион тоннага чиқаришда ташкил этилаётган янги мис бойитиш фабрикалари — МОФ-3, МОФ-4, МОФ-5 ҳамда янги мис эритиш заводи қурилишига имтиёзли “яшил” молиялаштиришни (responsible financing) жалб қилиш жозибадорлигини оширади.

Мазкур кўрсаткичлар комбинатда қисқа муддатда қилинган модернизация ишлари маҳсулидир.



Модернизация — тараққиёт гарови

Ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, албатта, меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, янги энергия самарадор ва экологик хавфсиз технологияларни қўллашга йўл очади. Сўнгги йилларда Рух заводида ўтказилган модернизация жараёнида велльцлаш цехидаги горизонтал вентиляция ва аспирация тизимлари тўлиқ таъмирланди. Куйдириш цехида чангнинг тозаловчи қўшимча қопли фильтр ускуналари ўрнатилди. Шу тариқа тозалаш ускуналарининг самарадорлиги 85 фоиздан 99,5 фоизга кўтарилди.

2024 йил Рух заводида янги майдалаш участкаси қурилиши ҳисобига 130 минг тоннадан зиёд ишлаб чиқариш техноген чиқиндиси — мис клинкери қайта ишланиб, таркибидан рангли металллар ажратиб олинди. Қолган темир таркибли чиқиндилар цемент заводларига иккимламчи хомашё сифатида юборилмоқда.

Сулфат кислота цехининг ишқорли суви тозалаш иншооти капитал таъмирланиб, тозаланган сувини қайта технологияда ишлашга айланма тизими ташкил этилиб, оқова ташланмани рельефга туширмаслик чоралари кўрилди. Иншоот атрофида йиллар давомида 2000 куб метрдан ортиқ оҳақли шлам чиқиндиси тўпланган қуйқа майдони рекултивация қилинди.

Айни пайтда металл олиш жараёнида атмосферага ажратиб чиқадиган SO₂ зарари газини қайта ишлаш орқали йиллик 200 минг тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш қувватига эга янги 6-сульфат кислотаси цехини қуриш ишлари жадал давом этмоқда. Ушбу цех 1967 йилда қурилган ва бугун маъдан эскирган, қуввати 30 минг тонна бўлган сульфат кислота цехининг

атмосферага ташламасига тўлиқ барҳам беради.

Мис эритиш заводида 2024-2025 йилларда 4 та конвертор бўлими тўлиқ реконструкция қилинди. Натижада металл куйиш жараёнида чанг-газининг атмосферага чиқishiнинг олди олинди.

Жорий йил февралда эритиш агрегатлари чанг-газ қувурлари ва электр фильтр ускунасида, Ваноксов печи ва 3- ва 4-сульфат кислота цехлари ҳамда кислород машъалали печининг чанг-газини тутиб қолиш қурилмаларини таъмирлаш ҳисобига ускуналарнинг самарадорлиги 99,5 фоизга етказилди. Натижада атмосферага технологик газ чиқариб юборилиши 12,8 минг тоннагача қисқарди.

Сўнгги 5 йилда инновацион ечимларни қўллаган ҳолда барча конверторларда иссиқликни қайта тикловчи мосламалар ўрнатилиб, энергия ва ёқилғи харажати 30 фоиз камайди.

Бугун қозонларини герметик қоплаш ҳисобига эритиш печларидан чиқаётган технологик газ 100 фоиз сульфат кислота ишлаб чиқариш цехига йўналтирилмоқда. Шунингдек, қурилиш бошланган янги металлургия мажмуасида атмосферага салбий таъсир кам бўлган замонавий “Flash Smelting” ҳамда “Flash Converting” технологиялари қўлланади. Бунда мис эритиш жараёнида ҳосил бўладиган SO₂ газ тўлиқ сульфат кислотаси ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Янги печлар ишга туширилиши эвазига маъдан эскирган ялғиз қайтариш печи ишлаб чиқариш занжиридан узилиб, фаолияти тўхтатилади.

Йиллик сульфат кислота ишлаб чиқариш қуввати 1 миллион 800 минг тонна бўлган ва 2027 йилда ишга туширилиши мўлжалланаётган СК-5 сульфат кислота цехи қурилиш ҳисобига атмосферага чиқаётган 172 минг тонна олтингугурт икки оксиди ташланмаси ҳажми деярли 100 фоиз камайд. Атмосферага чиқиш халқаро стандартларга мос равишда 0,5 фоиздан ошмайди.

Атмосферага ташламаларни мониторинг қилиш мақсадида СК-4 сульфат кислота цехига Япониянинг чанг-газ ташламаларини автоматик таҳлил қилувчи HORRIBA автоматик таҳлил ускунаси ўрнатилиб, маълумотлар ягона базага интеграция қилинмоқда.

Мис бойитиш фабрикасидаги модернизация ишлари ҳам самара бермоқда. Биринчи майдалаш цехидаги 24 та замонавий аспирация ва вентиляция тизими тўлиқ янгиланди. Иккинчи мис бойитиш фабрикасидаги 55 та вентиляция ва 103 та аспирация тизимида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Натижада ускуналарнинг самарадорлиги 99,5 фоизга етказилди.

2024 йилда мис эритиш жараёнида ҳосил бўлган 680 минг тонна тошқол чиқиндиси мис бойитиш фабрикасида қайта ишланди. Таркибидан қимматбаҳо металллар ажратиб олинган, қолган 391 минг тонна темир таркибли чиқинди иккимламчи хомашё сифатида цемент заводларига реализация қилинди.

Шунингдек, комбинат ишлаб чиқариш худудиди ва санитар-ҳимоя зоналарида чанг-газ миқдорини онлайн аниқловчи 14 та газоанализатор ўрнатилиб, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши

Энергия тежамкорлиги ва қайта тикланувчи энергетика татбиқ этилиши — давр талаби

Яна бир долзарб масала — экологик хатарлар эҳтимолининг олдини олиш, иссиқхона гази миқдорини кескин камайтириш, глобал иқлим исб боришига барҳам бериш, ишлаб чиқариш қувватини камайтирмаган ҳолда энергия самарадор технологияларни жорий этиш комбинатнинг доимий кун тартибиде турибди.

Бугун объектларимизда қарийб 5 мингта кўёш сув иситиш қурилмаси ўрнатилган. Улар бир кунда 724 минг литр сувини исита олади.

Ийилнинг апрель-октябрь ойларида иссиқ сувга эҳтиёж ушбу қурилмалар ҳисобига тўлиқ қопланади. Бу йилига 1,7 миллион куб метр табиий газ ёки 12,4 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаш имконини беради. Шу билан бирга, комбинат объектларида 507 та кўёш сув иситиш қурилмаси ўрнатилган. Бу йилига 890 минг киловатт-соат электр энергиясини тежашга хизмат қилади. 2025 йилда Хондиза, Чодак ва Ёшлик-1 конларида 95 та кўёш сув иситиш қурилмаси ўрнатилади.

PricewaterhouseCoopers компанияси билан ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага чиқаётган иссиқхона гази ташламасини ҳисоблаш ва камайтириш юзасидан зарур чоралар белгилаб олинди.

Мазкур вазифаларга ҳамоҳанг равишда комбинатда рангли ва қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш жараёнида энергия самарадорлигини мувофиқлаштириб боровчи ISO 50001 халқаро стандарти, экологик барқарорлиқни талаб этувчи менежмент экологик бошқаруви ISO 14001 халқаро стандарти тизими жорий этилди. Меҳнат хавфсизлиги стандарти 45001, хатарларни бошқариш 3100 халқаро стандартларига ҳам амал қилган ҳолда фаолият юритилмоқда.

Олмалиқ яшил саноат шаҳрига айланади

Олмалиқ — саноат шаҳри. Шаҳар ва унга чегарадош ҳудудларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг саломатлиги муҳофазаси комбинатнинг бош мақсадларидан. Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни асраш йўналишидаги комплекс вазифалар фаолиятимизнинг узвий ажралмас қисмидир.

Бу борада мамлакатимиз миқёсида кенг қўлчол ёйган “Яшил макон” ва “Яшил белбоғ” лойиҳалари муҳим ўрин эгаллайди. Лойиҳалар доирасида комбинат томонидан 2024 йилнинг баҳор-кўз мавсумида 1,5 миллион түп мевали ва ҳушманзара кўчат экилди. Жорий йилда бу ишлар давом эттирилмоқда. Кўчатларни экиш баробарида парвартиш қилиш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бир йиллик тадбир эмас. Шунинг учун ҳам комбинат томонидан ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб қиладиган кўчатларни танлаб, етиштириш учун кўчатхоналар барпо этилмоқда.

Ободонлаштириш ва яшил маконлар яратиш — инсониятнинг келажаги учун зарур. Дарахтлар нафақат табиий ресурсларни сақлашга ёрдам беради, балки ҳаёт сифатини оширишда ҳам муҳим. Шу боис, “Яшил макон” лойиҳаси ҳаммамизнинг келажагини учун амалга оширилаётган хайрли ишдир.

Бир ёқадан бош чиқариб, дарахт ва гул кўчатларини экиб, парвартишлаб борсак, албатта, келажақда Олмалиқни яшил саноат шаҳрига айлантира оламиз. Қад ростлаётган завод ва фабрикаларимиз ёнида ям-яшил боғлар ҳам бўйи мўзади.



Кун мавзуси
OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi
"Ochiq Budget" Portali

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хабарига кўра, мазкур босқич 14 апрелгача давом этади. Шундан сўнг 15-20 апрель кунлари лойиҳанинг саралаш, 21-30 апрелда эса овоз бериш босқичи бўлиб ўтади. Якунда энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар давлат бюджетидан молиялаштирилади. Аҳоли давлат бюджети маблағининг муайян қисми ҳудудларни кўкаламзорлаштиришга сарфланишида бевосита иштирок этади.

“Менинг боғим” лойиҳаси юртимиз бўйлаб яшил боғ ва яшил жамоат паркларини ташкил қилишга қаратилган ташаббусларни ўз ичига олади. Бунда тақдиф этилган лойиҳалар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилиб, тегишли тартибда овозга қўйилади. Ғолиблар аниқланганг, энг кўп овоз олган боғ ёки жамоат паркини молиялаштириш бошланади.

Бу жараёни “Ташаббусли бюджет” орқали кўпчилик юртдошимиз яхши билади. Ана шундай лойиҳаларда иштирок этиш кўнмакми аҳоли орасида шаклланиб бормоқда. Асосийси, бу каби лойиҳалар одамларни ягона мақсад атрофида бирлаштириб, ўз худуди ривож учун бирга ҳаракат қилишга чорламоқда.

— “Менинг боғим” лойиҳасида илк бор 2024 йил мартда старт берилди ва биринчи мавсум учун давлат бюджетидан 50 миллиард сўм

“Очиқ бюджет” ахборот портали орқали юртдошларимиз томонидан турли ташаббуслар илгари сурилиб, лойиҳаларга овоз бериш жараёни давом этмоқда. Жорий йил 21 мартда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ғолиблари ва давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ миқдори маълум қилинган эди. Шу кунларда очиқ порталдан жой олган навбатдаги — “Менинг боғим” лойиҳасининг жорий йилги мавсумига ҳам старт берилди ҳамда 5 апрелдан лойиҳа кириштиш босқичи бошланди.

МЕНИНГ БОҒИМ

ЛОЙИҲАНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛГИ МАВСУМИГА СТАРТ БЕРИЛДИ



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ажратилди, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Ҳабибулло Ҳамидов. — Жараён шу билан тўхтаб қолмади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доира-сида давлат бюджетидан ҳар йили ажратилган маблағнинг 50 фоизи айнан “Очиқ бюджет” портали орқали кенг жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқилган “Менинг боғим” лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади. Ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан яшил боғ, жамоат парклари, дам олиш масканлари учун бир нечта жой танланиб, платформага кириштилади. Бир ҳудуд бўйича келиб тушган лойиҳалар бир нечта бўлса, биринчи тақдиф киритган фуқаронинг тақдифи инобатга олинади. Ғолиб лойиҳалар овоз бериш босқичидан сўнг аниқланади. Ҳар бир тақдиф миқдори 250 миллион сўмни ташкил қилади.

Ҳудудлар қандай танланади?

Ўтган йили илк бор ўтказилган лойиҳа 23 июндан 7 июлга қадар давом этиб, 215 та лойиҳа ғолиб деб топилганди. Бунда юртимиз бўйлаб 53 мингдан ортиқ овоз берилган. Ғолиб лойиҳаларни молиялаштириш учун эса 48,6 миллиард сўм ажратилган.

Жараёнда фуқароларнинг ўзи фаоллик кўрсатгани эътиборга лойиқ. Хусусан, Самандар Ражабов киритган ташаббус асосида Бўҳоро вилояти Ромитан тумани “Афросиёб” МФЙ худудига узоқ йиллик дарахтлардан иборат яшил парк барпо этиш учун 250 миллион сўм маблағ ажратилди. 1566 та овоз билан ғолиб бўлган мазкур лойиҳа орқали одамлар дам олиш учун қулай шароит яратиш мақсад қилинган.

Яна бир ғолиб лойиҳа ташаббускори Бахтиёр Эшмўминов Сурхондарё вилояти

Бандихон туманида 1 гектар майдонга кўнглинлар дам олиш маскани барпо этиш тақдифини илгари сурган. Лойиҳа 1079 та овоз тўплади ва давлат бюджетидан 250 миллион сўм маблағ ажратилди. Бошқа бир лойиҳа орқали эса Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани “Қоқсой” МФЙ худудиде жамоат парки барпо этиладиган бўлди.

— Мазкур миқдор ўртача ҳисобда олинган. Ташаббус кўпроқ маблағ талаб қилса, ҳокимликларнинг маҳаллий бюджетидан орттирилган маблағдан ҳам молиялаштириш назарда тутилган, — дейди Ҳабибулло Ҳамидов. — Ажратиладиган маблағ миқдорига лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлик киритилади. Кўрсатилган миқдордан ошса, лойиҳага бошқа лойиҳалардан тежалган маблағ ҳам ажратилиши мумкин. Умуман, бу каби масалалар

“Менинг боғим” лойиҳаларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом билан тасдиқланган.

Лойиҳада тақдифларни илгари суришининг ҳам ўзига яраша тартиби бор. Аниқроғи, лойиҳа доирасидаги 3 босқичли — тақдиф кириштиш, саралаш ва овоз бериш жараёни “Ташаббусли бюджет” билан бир хил ташкил этилса-да, тақдифларни билдириш бир оз фарқ қилади. Мутахассисларнинг айтишича, “Ташаббусли бюджет” да фуқаролар ташаббус мазмунини ўзи киритган бўлса, “Менинг боғим”да Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан мингдан зиёд ҳудуд танланади. Қолаверса, яшил парклар ва жамоат парклари учун ер олиш билан боғлиқ масалаларни маҳаллий ҳокимликлар ҳал қилади. Дам олиш масканлари, сайилгоҳлар

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



2025 йил 8 апрель, 71-сон

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

YOSH
KITOBXON

Махтумқули — руҳи-жони туркманнинг,
Томирда оқар қони туркманнинг.
Махтумқули — гўзал юзи туркманнинг,
Дунёларни кўрар кўзи туркманнинг.
Махтумқули — жон ва тани туркманнинг,
Ай, бепоеъ кенг Ватани туркманнинг.

Андижонда КИТОБХОНЛИК БАЙРАМИ ЯХШИ ХУЛҚ ВА МУКАММАЛ БИЛИМ АСОСИ

Китобга, илмга, мутлоага ҳавас ҳамма замонларда ҳам зиё аҳлининг асл муддаоси бўлган. Тарихчилар Александр Македонский ўрта Осиёни босиб олганда, аскарларига биринчи бўлиб эзгулик ва ёвузликнинг мазмун-моҳиятини тушунтирувчи ва ҳаётга татбиқ этувчи қомусий китоб — “Авесто”ни ерли халқдан тортиб олиш ва бутунлай йўқ қилиб ташлашни буюрганини ёзиб қолдирган.

Сайёра ТҶИЧИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарини совға қилиб олиб келганда, бу туҳфани кўрган салтанат соҳиб бехаф хурсанд бўлган. Умуман, темурийлар салтанатида Мирзо Улугбек, Бойсункур Мирзо, Алишер Навоий, Бадуиззамон кутубхоналари маданий тарихимизнинг қимматли саҳифаларини ташкил этади. Китобхонлик маданиятининг яна бир муҳим жиҳати, инсонни билимдонлик, суҳбат, топқирлик сари етаклайди. Грузин халқи маданият ва маънавият белгиси сифатида ҳар бир келин сепига Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” китобини қўшиб берав экан. Халқимизда ҳам шундай мумтоз тарбиявий асарлар кўп. Фақат уларни тарғибот, ташвиқот қилишимиз, ўқувчилар қалбига чуқуროқ синдиришимиз лозим. Донулар таърифича, китоб билим манбаи, инсоният тўплаган ҳикматлар хазинаси, ижтимоий онг махсулидир. Жадид бобомиз Абдулла Авлоний: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсата оладиган ойнаи ҳаёти — бу унинг миллий адабиёти ва тилидир”, дейди. Туркий тилини назмага яроқсиз деб билганларнинг ҳадини буюк Навоий XV асрда кўрсатиб қўйгани, XX аср босида Ўзбек тилида насрий асар ёзишнинг нақадар оғирлигини рўқча қилган-

ларни Қодирий ва Чўлпоннинг насрдаги бетақор сўз назми ҳайратга солгани ва бу қутлуг силсила кейинги авлод вакилларининг ҳайратланарли иқдолларида давом этаётгани тарихнинг ўчмас зарварақларидир.

Боллага китоб беринг!

Водийнинг олтин маржони Андижонда ташкил этилган “Ёш китобхон” кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этаётиб, ҳаёлимдан шу фикрлар ўтди... Давлатимиз раҳбари ўтган йили Марҳамат туманидаги ёшлар кутубхонасига ташриф буюрганида андижонлик китобхон, билимдон ёшлар билан суҳбатлашди ва улар мамлакат етакчисига “Ёш китобхон” республика танловининг саралаш босқичлари мана шу муҳташам кутубхонада ўтказилса, деган таклифни айтишди. Президентимиз бу таклифга розилик билдиради ва ваъдага биноан, ҳудудлар ғолиби бўлган 10-14 ёшдаги 14 нафар, 15-19 ёшдаги 14 нафар, 20-30 ёшдаги 14 нафар, жами 42 ғолибни олиб, биз ҳакамлар ҳайъати аъзолари Ёшлар ишлари агентлиги мутасаддилари бошчилигида Марҳаматга йўл олдиқ. Ниҳомга асосан, танлов беш босқичда ташкил этилди. Биринчи босқичда

аризалар қабул қилинди ва тадбир маҳалларда ўтказилди. Танловнинг иккинчи босқичи секторларда, учинчи босқичи туман ва шаҳарларда, тўртинчи босқичи эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилди. Бешинчи — республика босқичида “Бадий асарлар билимдони”, “Тезкор савол-жавоб”, “Буюк мутафаккир ва адиб”, “Шеърят”, “Квест” шартлари асосида беллашувлар бўлиб ўтди. Танлов иштирокчилари Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Носируддин Рабғузӣ сингари улуг мутафаккирлар ҳаёти ва ижодиидан, Жек Лондон, Махтумқули Фирӯғӣ, Жон Стайнбек, Хелли Харпер Ли, Александр Пушкин, Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Мухтор Шононов, Ибройим Юсупов сингари хориж ва қардош адабиёт вакиллари, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Рауф Парфӣ, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Сирожиiddин Саййид сингари ўзбек адабиёти даргалари асарларини таҳлил қилиб, асар қаҳрамонларининг ибратли ишлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирдилар.

Мазкур танлов ёш китобхонларини мустақил фикрлаш, саҳнада ўз фикрини дадил ҳимоя қила олишга ўргатиши баробарида минглаб оилаларга фойда олиб кирагани нур устига нур бўлмоқда. Зеро, китоб билимдон болаларимиз юрагига эзгулик, адолат, шижоат туйғуларини жойлаётганини уларнинг пиштак-пухта жавоблари ва ёниб турган кўзларида кўрдик.

Президент совгалари эгаларини топди

Бу йилги республика танловида Тошкент шаҳридан Дилбар Ҳайдарова 10-14 ёшлар орасида, Ўғилжайрон

Холдурдиева 15-19 ёшлар орасида ва хоразмлик Мафтуна Очилова 20-30 ёшлар орасида ғолиб бўлди ва Президент совғаси — “Chazor” электромобили билан тақдирланди. Иккинчи ўрин соҳибларига 75 миллион сўмдан, учинчи ўрин соҳибларига эса 50 миллион сўмдан, қолган барча иштирокчиларга 10 миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Тошкент шаҳридаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган Муҳаммад ал-Хоразмий мактабининг 8-синф ўқувчисман, — дейди Президент совғаси — автомобиль билан тақдирланган Дилбар Ҳайдарова. — Болалигимдан ўзбек ва қардош халқлар оғзаки ижодини ўрганишга аҳд қилдим, “Кунтуғмиш”, “Гўрўғли”, “Алломиш”, “Авазхон” дostonларини ўқидим, эртагу масалларни ёд олдим, энг муҳими, ота-онам, дўстларим, устозларим олдида юзим ёруғ бўлди, Президент совғаси — бу мен учун ишонч, масъулият. Келгусида олимпиада бўлмоқчиман, ўқиш, изланишларимга илҳом берди бу мукофот!

Ўғилжайрон Холдурдиева ҳам Президент совғаси — “Chazor” электромобилини қабул қилиб олар экан, қувончи ичига сиғмай бундай дейди: — Ўшбу автомобиль ота-онамга совғам бўлди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини битириб, таржимон бўлмоқчиман. “Ёш китобхон” танловида ортирган дўстларимнинг адабиётга меҳри, китобга ҳурматини кўриб, келгусида мана шу ўрганган асарларимни баҳоли қудрат инглиз тилига ўғитиш ниятим бор. Наби Жалолиддиннинг “Умар Хайём” асарини шарҳладим, Аҳмад Аъзам ижодий фаолиятини таҳлил қилдим, Навоий, Фитратнинг ижодини ҳайратланиб сўзлаб бердим. Фарзандлари китоб ўқиса, машина билан мукофотлайдиган давлат раҳбарининг эътиборидан бошим осмонда!

Ушб туркман қизиман, Берди Кербобоев, Ота Ғошурдов асарлари қаҳрамонлари, Махтумқули таърифини бундай келтиргим келадим:

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



РАҲБАР АЁЛЛАР ВА МУТОЛАА

Янгича ёндашувлар

Раҳбарлик нафақат ташкилий ёки бошқарув кўникмалари, балки кенг дунёқараш, стратегик фикрлаш ва доимий ривожланишни ҳам талаб қилади. Бунда китоб ўқиш муҳим ўрин тутати. Уларнинг муваффақиятга эришишида китобхонликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Китоблар, айниқса, бошқарув, психология, иқтисодиёт ва шахсий ривожланишга оид адабиётлар раҳбарларда танқидий ва стратегик фикрлашни шакллантиришда ёрдам беради.

Раҳбар аёлга жамоа билан мулоқот қилиш, музокаралар ўтказиш ва омма олдида нутқ сўзлаш учун бадий адабиётлар ва нутқ маданиятига оид китоблар жуда зарур. Шунингдек, китоблар уларга янги тенденциялар, инновация ва технология ютуқлардан хабардор бўлиш имконини беради ҳамда бошқарув қарорларини замонавий талабларга мос равишда қабул қилишнинг таъминлайди.

Мотивация ва руҳий барқарорлик раҳбар хотин-қизлар учун муҳим хусусиятидир. Биографиялар, шахсий ривожланишга оид китоблар муваффақиятга эришган аёллар тажрибаларини ўрганиш, тўсиқларни қандай енгиб ўтиш мумкинлигини билишга ёрдам беради.



Пардагул РАЗЗОҚОВА,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази Беруний тумани бўлинмаси
раҳбари, “Раҳбар аёллар мактаби”
тинловчиси

Ҳар қандай вазиятга мослашиш ва инновацион ёндашувлар шиддат билан ўзгараётган дунёда раҳбарлардан тезкор ва инновацион қарорлар қабул қилишни талаб этади. Мутлолаа янги гоялар билан танишиш, дунёқарашни кенгайтириш ва креатив ёндашувларни ривожлантиришга имконият яратади. Уларнинг муваффақиятга эришишида хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳам фойдадан холи эмас, албатта. АҚШда аёллар раҳбарлик қобилиятини ривожлантириш, тажриба алмашиш ва шахсий ўсишига ёрдам берадиган “Аёл раҳбарлар учун китобхонлик клублари” бор. Уларнинг мақсади хотин-қиз раҳбарлар дунёқарашини

муваффақиятга эришиш учун керакли билим ва кўникмалар шакллантиришдир. Клублар иш жараёнида мунтазам учрашувлар ташкил этиб, аъзолари белгиланган вақтда талланган китобларни муҳокама қилади. Асосан, бошқарув, етакчилик, шахсий ўсиш, гендер тенглик ва муваффақиятга эришиш ҳақида китоблар ўқилади. Клуб аъзолари шахсий ва касбий тажрибаларини ўзаро ўртоқлашади. WiLD — Women in Leadership Development Буюк Британиядаги аёл раҳбарлар учун китобхонлик ва шахсий ривожланиш дастури. Унинг асосий мақсади хотин-қиз раҳбарларнинг



билим ва малакасини ошириш, китобхонлик туфайли етакчилик, стратегия, ташаббускорлик соҳасидаги энг яхши тажрибалар устида ишлаш, муҳокамага лойиқ, илҳомлантирувчи ҳамда таълимий китобларни ўқиш, таҳлил қилишдир. Шунингдек, ўзаро тармоқ (networking) яратиш орқали раҳбар аёллар ўртасида тажриба алмашиш, маслаҳат ва қўллаб-қувватлаш имкониятини тақдим этиш, муваффақиятга аёллар тажрибасини ўрганишдан ҳам иборат.

Германиядаги аёллар учун лидерлик ва ривожланиш дастури “Frauen in Führungspositionen” — FiF деб номланган.

У ҳукумат ва йирик ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланадиган дастур, хотин-қизларни юқори раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш ва профессионал ўсишига имконият яратиш билан шуғулланади. Дастур жаҳонда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг етакчилик кўникмаларини ривожлантириш ва юқори даражадаги қарорлар қабул қилиш жараёнларида жалб этишни мақсад қилган.

Дастурнинг асосий йўналишлари раҳбар аёллар учун махсус курс, семинарлар, воркшоплар ташкил этиш, менторлик ва коучинг дастурларида таълим, касбий ўсиш учун тажрибали раҳбарлар билан ишлаш имкониятини яратиш, китобхонлик ҳамда интеллектуал ривожланиш орқали етакчилик, шахсий ўсиш, гендер тенгликка бағишланган китобларни ўқиш ва муҳокама қилишдир. “Womenomics” Япония ҳукумати томонидан аёлларни иқтисодий жараёнларга фаол жалб этиш ва раҳбарлик лавозимларидаги шушнинг ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган дастур ҳисобланади. У биринчи марта 1999 йилда Goldman Sachs таҳлилчиси Кэти Мацуй томонидан тақдир этилган ва 2013 йилдан бошлаб ўша пайтдаги мамлакат бош вазири Синдзо Абэ раҳбарлигида расмий давлат сиёсатида айланган.

Бу дастурнинг асосий йўналиши аёлларнинг меҳнат бозоридagi иштирокини

таъминлашдан иборат. Япония ҳукумати дастур доирасида аёлларни меҳнат бозорига фаол жалб қилиш учун турли имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўймоқда. “SkillsFuture for Women Leaders” — Сингапурда аёлларнинг раҳбарлик салоҳиятини оширишга қаратилган китобхонлик ва малака ошириш лойиҳаси. У касбий ривожланиш, малака ошириш имкониятларини ўз ичига олади. Ушбу ташаббус аёлларни ишбилармонлик, давлат бошқаруви ва инновация соҳаларида етуқ раҳбарга айланишни мақсад қилган.

Мазкур тажрибалардан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги “Раҳбар аёллар мактаби” ҳузурида шундай китобхонлик клубларини ташкил этиш, ушбу клублар эса аёл раҳбарлар ўртасида мунтазам китоб ўқишни рағбатлантириш ва лидерлик тажрибасини бўлишиш имкониятини яратиши. Ўзбекистон шароитига мос, маҳаллий ва халқаро миқёсда муваффақиятга эришган раҳбар аёллар ҳақидаги китоблар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон учун “Раҳбар аёллар мактаби” доирасида менторлик ва китобхонлик дастурларини ташкил этиш, аёл раҳбарларнинг касбий ўсиши учун махсус тренинглари ўтказиш, маҳаллий ва халқаро даражада networking имкониятларини ривожлантириш зарур.

Китобхонлик — раҳбар аёллар учун зарур восита. У шахсий ривожланиш, самарали бошқарув, таъсирчан мулоқот ва тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис, ҳар бир раҳбар хотин-қиз кундалик ҳаётида китоб ўқишга алоҳида эътибор қаратиши керак.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСБИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етакчи берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
36811 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Махмудов
Мусаххас: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 03:00 Топширилди — 05:25

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05